32 (362)
2003 йил 13 август
Чоршанба

ХАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ХАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

XII йил

ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ: 225-кун

2
- Ифтихор туйғуси дилдан дилга кўчмоқда!
- Манзиллар номини айтганда...

3
- «Амакининг уйи — амакини-ки-да, жиян!..»
- Қайнонанинг қотили — куёв!

4
- Одам бўлиб келдик дунёга...
- Китоб ва дасхат йиғувчи раис



● Ифтихор туйғуси

ЎХШАШИ ЙЎҚ САОДАТ ЙЎЛИ

Ўзбекистон - улуғларни улуғлаган юрт! Гарчанд ўзбек халқи азалдан ўз аждодлари, ота-боболарини эъзозлаб келса-да, уларга Мустақиллик йилларидагичалик юксак ҳурмат-эътибор кўрсатилмаган эди.

Ҳар бир халқнинг тарихида муқаддас саналар бўлади. Ўзбек халқи тарихида эса мана шундай қутлуғ саналардан бири - 1991 йил 1 сентябрдир. Бу улуғ кунни муҳтарам Президентимиз «Мустақиллик куни» деб эълон қилган кун ҳамон эсимда, кўз ўнгимдан асло кетмайди. Ўшанда мазкур анжуман аҳли дунёнинг ишларидан карахт эди, содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришлар, янгиликлар, бурилишлар, эврилишлар моҳиятини ҳамма ҳам аниқ-теран англаб етмаган эди. Президент зўр қувонч ва улуғ масъулият билан: эртага 1 сентябр ўзбек халқининг Мустақиллик куни! Ушбу хусусдаги фармонга имзо чекдим, деганларида мажлис иштирокчилари, аввалига, ҳангу манг бўлиб қолдилар. Президент «Нега қарсак чалмайсизлар» деганида гўёки барча асрлик ғафлат уйқусидан уйғонгандек қарсак чалиб юбордилар. Бу унутилмас манзара, эҳтимол, бир умр хаёлимдан, кўз олдимдан кетмаса керак.

2-саҳифада

Белбоғ - ҳар бир ўзбек йигити учун мардлик, мағрурлик тантилик рамзидир. Миллий курашимизда ҳам полвонлар белбоғдан тутиб беллашадилар, «Белида белбоғи борлар ўртага тушсин» дея полвонларни чорлайдилар...

Обод маҳалла йилида юртимиздаги кўплаб маҳаллалар ўз спорт иншоотига эга бўлди. Айни кунда маҳалла ёшлари орасида майдонда тўп сурмагани, белбоғ боғлаб кураш тушмагани йўқ. Республика миқёсидаги «Футболимиз келажаги», «Маҳалламиз полвонлари» мусобақаларида футбол, миллий курашда иқтидорли бўлган минглаб ўсмирлар кашф этилди.

"ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ" ДАСТУРИ:

САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Кеча Тошкент шаҳар ҳокимиятида бўлиб ўтган йиғилишда "Обод маҳалла йили" дастурининг қандай бажарилаётгани ва галдаги вазифалар ҳамда 16 август - Умумхалқ ҳашарига тайёргарлик, уни уюшқоқлик билан ўтказиш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Йиғилишни олиб борган ва унда маъруза қилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Козим Тўлаганов дастурда кўзда тутилган вазифаларнинг ярим йилликда бажарилишини қаноатланарли деб баҳолар экан, жойларда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ибратли тадбирларни мисол сифатида келтирди. Чунончи, пойтахтимизнинг ўзида ўндан зиёд янги гузар қуриб битказилди. Ўнлаб километр маҳалла кўчалари асфалтланди, болалар спорти ўйингоҳлари барпо этилди. Юртимиздаги бошқа кўплаб маҳаллаларда ҳам юқоридаги масала доимий эътиборда турибди. Бироқ айрим ҳудудларда маҳалла идоралари бинолари ҳанузгача мулк сифатида расмийлаштириб олинмаган.

Шунингдек, нотиқ оқсоқолларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш юзасидан қилинган ишларга ижобий баҳо берар экан, тадбиркорлик хусусан, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш орқали кўплаб янги иш ўринлари яратилаётганлигига алоҳида урғу берди. Юртбошимиз ва ҳукуматимизнинг аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий муҳофазага олиш тўғрисидаги ғамхўрликларига жавобан муайян ишлар қилингани ва бундан кейин бу борада ташкил этиладиган тадбирлар кўламини янада кенгайтириш зарурлигига эътиборни қаратди.

2-саҳифада

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат

● «Шарқ тароналари» халқаро фестивали олдидан

МУСИҚА РЕГИСТОНДАН ТАРАЛАДИ

Она юрт фидойиларидан бири шоир Чўлпон офтоб Шарқдан чиқади, деб рамзий маънода фикр билдирган. Самарқанд шаҳрида ўтадиган "Шарқ тароналари" Халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар бўйича амалга оширилаётган ишларни кўриб сарлавҳадаги сўзларни айтгимиз келади.

Аслида ҳам вилоят ҳокимлигининг кўрсатмалари асосида фестивални ўтказиш юзасидан кенг ҳажмдаги ишлар бажарилмоқда. Бу анжуман республикамизнинг жаҳондаги обрў-эътибори янада ошаётганини яна бир бор исботлаши табиий. Фестивал бўлиб ўтадиган Регистон майдони алоҳида тайёргарлик ишлари ниҳоясига етмоқда. Мусиқа фестивали дастурини кенг ёритиш учун оммавий ахборот воситаларининг штаби ташкил этилади. Марказий кўчаларни безаш, меҳмонларни кутиб олиш, уларга хизмат кўрсатиш, иштирокчиларни Самарқанднинг тарихий жойларига зиёратини ташкил қилиш, илмий-ижодий конференциялар ўтказиш учун ҳозирлик кўрилмоқда.

- Фестивалга ҳозирлик кўришда шаҳар жамоатчилиги катта ёрдам бермоқда, - дейди Самарқанд шаҳар ҳокимлиги вакили Беҳзод Раҳматуллаев. —Фестиваль дастуридаги барча режалар юксак савияда ўтишини таъминлашга ҳаракат қиляпмиз. Бу борада шаҳардаги ташкилотлар, муассасалар, корхоналар, маҳаллалар ибрат кўрсатаяптилар.

- Халқаро мусиқа фестивали диёримизнинг 12 йиллик байрами тантаналари билан ҳамоҳанг бўлиб кетаётгани айниқса қувончлидир, - дейди Боғишамол тумани Саид номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мўмин Муҳсинов. —Биз ҳам маҳалламизнинг ҳамма кўчаларини ободонлаштириб, кўкаламзорлаштирдик. Бу йил янги маҳалла маркази қурилди. Барча тадбирларимиз муваффақиятли ўтаётир. Ярим йилликда тадбиркорлик, хизмат ва савдо соҳасини ривожлантириш ҳамда кичик бизнес орқали янги иш ўринларини барпо этишга қўшган ҳиссамиз учун республика кўригида ғолиб чиқиб, рангли телевизор билан мукофотландик.

Бундай дил сўзларини ҳар бир самарқандликдан эшитиш мумкин. Фестивал ана шундай қувонч билан қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарга ташриф буюрмоқда.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Қашқадарё вилояти

● Таҳририятга мактуб

МУСТАҚИЛЛИК НОМИ БИЛАН...

Деҳқонобод туманидаги маҳаллаларда бўлаётган ўзгаришларни кўриб ҳам бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Жумладан, Мустақиллик номидаги маҳаллада жорий йилнинг етти ойида сезиларли янгиликлар рўй берганлигини кузатиш мумкин.

Албатта, бу ижобий ишларнинг бажарилишида бизга бош-қош бўлаётган фуқаролар йиғини раиси Марҳамат опа Нурматовадан маҳалла аҳли миннатдор. Бевосита у кишининг саъй-ҳаракатлари билан яқинда томорқаларни суғориш учун 800 метр узоқликдан сув қувури олиб келинди. Шунингдек, ёшлар ўйингоҳи учун ер ажратилди. Маҳаллани ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришда ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини қўшаётир. Маҳалла аҳлининг амалга оширган ишлари албатта бу билан тугамайди. Олдинда ҳали эзгу ниятлар бисёр.

Истардикки, бизда ана шундай мамнунлик ҳиссини уйғотаётган фуқаролар йиғини фаолияти ҳеч қачон бесамар кетмасин.

Мустақиллик маҳалласи бир гурух фуқаролари номидан:
Абдужаббор ҲАИТОВ.

16 август - умумхалқ ҳашари куни

УНИНГ ШИОРИ: "МАҲАЛЛА ОБОД - ЮРТ ОБОД"

Ҳашар, бу - меҳр-оқибат туйғуларини ривожлантирадиган энг оммавий тадбирдир. Ота-боболаримиз айнан ҳашар йўли билан қишлоқ, маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларга уйлар, қўшимча хоналар қуриб беришган, умумфойдаланиш учун зарур иншоотлар, барпо қилинган, мавжудларини таъмирдан чиқаришган, ариқ-зовурларни тозалашган, Ана шундай эзгу, савоб ишларнинг барчасига фақат ҳашар йўли орқалигина эришилган.

Ана шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Республика "Маҳалла" жамғармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳаллий ҳокимликлар ва жамоатчилик вакилларининг шу йил август ойида мамлакатимизда "Маҳалла обод - Ватан обод" шиори остида ободонлаштириш ва тозалик ойлиги ҳамда 16 август куни умумхалқ ҳашари ўтказиш тўғрисидаги таклифларини маъқуллади.

Шу муносабат билан ҳукуматимиз қабул қилган Фармойишда диёримиз мустақиллигининг 12 йиллигини нишонлашга пухта тайёргарлик кўриш, республикада санитария-эпидемиологик аҳволни янада яхшилаш, маҳаллалар, мавзелар ва аҳоли гавжум жойларни ободонлаштириш ишларини янада яхшилаш каби ҳаётий муҳим мақсадларни кўзда тутилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ана шу Фармойишдан келиб чиқадиган вазифалар жойларда амалга оширила бошланди. Жумладан, маҳаллалар ҳудудларида дарахтлар оқланмоқда ва буталанмоқда, қўшимча гул кўчатлари ўтқазилаяпти, маиший чиқиндиларни ташиш йўлга қўйилаётир. Болалар мандончалари тартибга келтирилмоқда ва кўплаб корхона, ташкилот, мактаб, бозорлар, мавзеларда антисанитария ҳолларига барҳам берилаяпти.

Ободончилик ойлиги тадбирларида миллий қадриятларимизга хос - орасталик, она табиатни асраб-авайлаш, экологик муҳитни яхшилаш, гузарлар, кўчаларимизни дарахтларга буркаш каби анъанавий одатларимиз яна бир карра намоён бўлишига ишончимиз комил.

Шунингдек, 16 август - умумхалқ ҳашари куни барчанинг бу эзгу тадбирда иштирокини таъминлаш ҳам муҳим вазифадир. Бинобарин, фуқаролар йиғинлари раислари, оқсоқоллар, фаоллар ўз ҳудудларида ҳар бир юмушга бош-қош бўлишлари, ибрат намуналарини кўрсатишлари умумишига кўпроқ наф келтириши табиий.

Ҳашар муносабати билан 16 август куни мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча корхона, ташкилот ва муассасалардан "Маҳалла" хайрия жамғармасининг банкдаги жорий ҳисоб рақамига бир кунлик иш ҳақи миқдорида маблағ ўтказилади. Бу маблағ эса, маҳаллаларни янада ободонлаштириш, маиший хизмат турларини кўпайтириш, аҳолининг кам таъминланган қатламини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оммавий спорт турларини ривожлантириш ҳамда жамғарма Низомида кўрсатилган вазифаларни бажаришга сарфланади. Демак, қўйнидан тўкилгани қўнжига деганларидек, ўтказилган бир кунлик иш ҳақи ўзингиз яшаётган ҳудудни равнақига ишлатилади ёки Сизнинг, балки деворимиён қўшнингизнинг эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Шу боисдан ҳам "Маҳалла" жамғармасининг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари, маҳалла фаоллари ҳашарга аҳолини кенг жалб этиш чораларини кўрмоқдалар. Бўлажак тадбирда кўпни кўрган отахону онахонлар дуойи фотиҳасини олиш, улар мадади ва бевосита иштирокига эришиш ҳам муҳимдир. Чунки она-диёримизда ҳамиша шундай бўлиб келган. Чунки Юртбошимиз Ислом Каримов айтганларидек: "Яхшидан боғ қолади. Бизнинг халқимиз азалдан ободончилик ошиғи, азалдан боғпарвар, азалдан ўз турар жойини чиройли қилиб яшашга ўрганган халқ".

"Mahalla" мухбири.

Обуна-2003

-Яна нима дейди?
-Шу шанбада ҳашарга чиқинг, дейди!

● Сиз учун махсус китоб

ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда «Маҳалла фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ҳуқуқий асослари» китобини нашр этди.

Кўп нусхада чоп этилган бу нашрдан Президентимиз Ислом Каримовнинг маҳалла фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштиришга доир фармонлари ва нутқлари, қонунлар, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ўрин олган.

Тўпламда мустақиллик йилларида фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг миллий модели сифатида тиклинган маҳалла тизими фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ишлар батафсил ёритилган.

Китоб маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, жамоатчилик вакилларига жойларда ишни тўғри ташкил этишда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Элбек ХОЛИҚОВ,
ЎзА мухбири

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр кўрсаткичи:148
Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй
Телефонлар:
Кабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Таҳририятга келган хат ва мақолалар таҳрир қилинмайди ва эгаларига қайтарилмайди.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Таҳририят

15 АВГУСТ - ҲИНДИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

Ҳиндистонда мустақиллик билан алоқадор иккита байрам бор - Республика куни ва Мустақиллик куни. 1950 йил 26 январ Ҳиндистоннинг республика деб эълон қилинган куни бўлса, 15 августга тўғри келадиган Мустақиллик куни 1947 йилга, Британия Империясининг 200 йилдан ортиқроқ ҳукмронлигига барҳам берилган даврга бориб тақалади.

1947 йил 15 август куни мамлакатнинг биринчи Бош Вазири Жаваҳарлаъл Неру Ҳиндистон тимсоли саналувчи уч рангли байроқни Деҳлидаги Қизил Қалъа (Red Fort) пештоқига илиб, мустақиллик қўлга киритилганини расман эълон қилди.

Мустақиллик арафасида, ўша йилнинг 22 июл куни қабул қилинган миллий байроқ мана 56 йилдирки, Қизил Қалъа пештоқида ҳилпираб, мамлакат мустақиллигини ифодалаб турибди.

Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг тарихи ва маданияти бир-бирига муштарак. Айниқса бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари даврида анча тараққий этган муносабатларимиз икки мамлакат халқларининг азалий дўстлига замин яратди.

Бобурдан олдин келган султонлар Ҳиндистонни талон-тарож қилган бўлсалар, ул ва унинг авлодлари Ҳиндистонни ватан билиб, уни обод этиш ва марказлашган давлат қуриш учун катта ҳисса қўшдилар.

1966 йил Ҳиндистон Бош вазири Лаъл Боҳодир Шастри ва Покистон давлат раҳбари Фелбдмаршал Аюбхон томонидан Тошкентда имзоланган тинчлик декларацияси Жанубий Осиёнинг икки қўшни давлати орасида 1965 йил бошланган урушга барҳам берган эди. Ўзбек халқининг ҳинд халқига, маданиятига бўлган самимий муносабатини яна кўплаб мисоллар билан тасдиқлаш мумкин. Бугунги Тошкентнинг марказий кўчаларидан биридаги майдонга ўрнатилган Лаъл Боҳодир Шастри ҳайкали ва унинг номи билан аталадиган 24-ўрта мактаб, Тошкент шарқшунослик институтида ҳиндшунослик фани ва ҳинд тилларининг ўқитилиши бунга ёрқин далил бўла олади.

Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий муносабатларнинг ҳуқуқий асосини яратиш мақсадида бугунгача Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида 45 та ҳукуматлараро ва идораларараро ҳужжатлар имзоланган.

15 август куни 1 миллиарддан ортиқ Ҳиндистон аҳли мустақиллик байрамини нишонлайди. Ҳиндистоннинг биринчи Бош вазири Жаваҳарлаъл Неру таъкидлаганидек: «Ҳиндистон узоқ йиллар давомида мустақиллика интилиб яшади ва 1947 йил 15 август куни барча орзуларини рўёбга чиқарди. Бу шундай янгиликки, тарих ҳали унинг мислига гувоҳ бўлмаган, бу шундай янгиликки, Ҳиндистон уни ҳеч қачон эсдан чиқармайди».

Авазбек БЕРДИҚУЛОВ,
«Жаҳон» ахборот агентлиги.

"ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ" ДАСТУРИ:
САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

(Давоми, аввали 1-бетда)

Йиғилиш иштирокчилари - ҳокимликлар, вазирликлар, республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси, унинг вилоят, шаҳар ва туман бўлим ҳамда бўлинмалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, фаоллари сўзга чиқиб, дастур вазифаларини ҳаётга татбиқ этишдаги ютуқ ва камчиликлар, муаммолар хусусида атрофлича тўхталдилар.

- Мақсадимизнинг асосий йўналиши аҳолининг ижтимоий ҳимоясига қаратилди, - деди республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазири Оқил Обидов. - Давлат томонидан берилаётган нафақалардан ташқари яна қўшимча манбалар топишга ҳаракат қилинди. Бу борада ҳомийлар, тадбиркорлар билан ҳамкорлигимиз яхши самара бермоқда. Жумладан, олти ой мобайнида 160 минг нафар кишининг иш билан бандлиги таъминланди. 1 миллион 930 минг нафар фуқаро бепул тиббий кўрикдан ўтказилди. Лозим деб топилганлар шифохоналарга ётқизилиб, даволанди. Якка-ёлғизларга ярим миллиард сўм ҳажмида моддий кўмак берилди.



Сўзга чиққан нотиқлар "Обод маҳалла йили" дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзларига таалуқли моддаларнинг бандма-банд қандай бажарилаётгани хусусида аниқ фикрларни айтиб, у ёки бу масала ечимида тўсиқ бўлаётган муаммолар тўғрисида ҳам фикр алмашдилар.

Йиғилишда келажагимиз - ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенгроқ жалб қилиш, янги спорт мажмуаларини барпо этишда ҳашар усулидан самарали фойдаланиш, "Маҳалламиз паҳлавонлари", "Футболимиз келажаги" каби тадбирларни оммалаштириш ислоҳотлар талаби эканлигини алоҳида қайд этдилар. 45,6 минг нафар ёш биринчи марта спорт билан шуғулланаётгани ижобий мисол тариқасида келтирилди.

Йиғилиш қатнашчилари, шунингдек, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш масаласини ҳам долзарб қилиб қўйдилар. Бу йўналишда чет эл сармоялари асосида - 63 миллион АҚШ доллари миқдорида тузилган лойиҳа Самарқанд ва Бухоро вилоятларидаги аҳоли эҳтиёжларини қондиришда муҳим аҳамият касб этади. Фуқароларнинг коммунал тўловларини ўз вақтида тўлашларига эришишда маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари нинг қўшадиган ҳиссаларини ҳам унутмаслик керак. Бунинг муҳим икки жиҳати бор. Биринчидан, тўлов тушумларини ўз муддатидан кечиктирмай ундиришга эришган маҳалла умумий тушумнинг маълум фоизини банкдаги ўз ҳисоб рақамига ўтказиб, моддий манфаатга эга бўлса, иккинчи томондан эса, тушумлар давлат бюджетини тўлдиришга хизмат қилади.

Анжуманда Наманган шаҳридаги битта маҳаллага иккита спорт майдончаси тўғри келиши ижобий баҳоланди. Шаҳарда қурилаётган улкан ёшлар спорт мажмуаси учун 4 миллиард сўмлик маблағ ажратилган. Бундай иншоотлар бошқа ҳудудларда ҳам барпо этилса айни муддао бўлур эди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова хотин-қизларнинг айниқса, қишлоқ жойларда ижтимоий фойдали меҳнат билан бандлигини таъминлашга эришиш, бунинг учун эса, кичик ва ўрта бизнесни янада ривож топтириш, турли касб-кор йўналишларига жалб этиш, касаначилик ҳаракатини яхши йўлга қўйиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Масалан, Бухорода хотин-қизларни ишга жойлаштиришга кўмаклашувчи марказларни бошқа вилоятларда ҳам кўпайтириш керак.

Шу сингари тадбирларга хотин-қизлар кенгашлари бошқош бўлиши даркор. Шунингдек, нотиқ маҳаллий ҳудудларда ёш оилаларни мустаҳкамлаш, ажралишларнинг олдини олиш масаласини диққат марказидаги муҳим иш, деб таърифлади. Чунки ярим етим бўлиб қолган ўғил ёки қиз ҳеч қачон тўлақонли тарбия ололмайди.

Анжуман иштирокчилари юртдошларимизни август - Тозалик ойлиги ва 16 август - Умумхалқ ҳашари кунида амалга ошириладиган муҳим юмушларда ҳамда улуғ байрам - республикамиз Мустақиллигининг 12 йиллигини муносиб тарзда кутиб олишда фаол бўлишга чақирдилар.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Карорматов, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Аъзамжон Гадойбоев иштирок этдилар.

Абдунаби МАННОПОВ,
"Mahalla" мухбири.

СУРАТЛАРДА: йиғилишдан лавҳалар.
Р. Галиев олган суратлар.

● Ифтихор туйғуси

ЎХШАШИ ЙЎҚ САОДАТ ЙЎЛИ

(Давоми, аввали 1-бетда)

Азиз юртдошлар, ўтган кунларга бир назар солинг, азиз айёмларни бир эсланг, хотира дафтарингизни бир варақланг. Ақл бовар қилмас воқеа-ҳодисалар бўлиб ўтди. Ўн икки йил ичида биз бир дунё ишларни қилиб қўйдик, ота-боболаримиз ҳавас қилган, аммо, муродига етолмаган кунларга етдик. Қарийб 130 йиллик зулмдан, мустабитликдан, тобеъликдан қутулдик. Биз озод бўлдик! Озодлик қадрини бошидан зулм ўтган кишилар яхши билади.Давлатимиз раҳбари ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ мустақил сиёсат юргизиб, элу юртга ўз Сўзини айтди.Халқнинг аҳволини юрак-юрагидан сезган, ундан хабардор бўлган Юртбошимиз халқимизга уй-ҳовли жой учун ер ажратиш, ерсиз кишиларга ер, томорқасиз одамларга томорқа бериш ҳақида махсус қарор қабул қилгани ҳамон эсимда. Халқимиз энди кўксимизга шамол тегадиган бўлди, деб ўзида йўқ қувонгандим ўшанда. Собиқ қардош республикалар ичида биринчи бўлиб юртимизда Президентлик лавозими жорий этилганда улар ҳангу манг бўлиб қолган эдилар.

Марказ эса ғазабда эди. На чора?

Давлатимиз раҳбарининг мустақил иш тутиши элу юртнинг ўзига бўлган ишончини яна мустаҳкамлади. Юртимизда қилинаётган ишлардан қувонган халқимиз Президентимиз изидан эргашди, уни қўллаб-қўвватлаб атрофида жипслашди, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилди. Шўролар давлати яъни Горбачёвнинг «қайта қуриш», «ошкоралик» замонида эса деярли ҳамма ишни унутиб қўйиб мажлис қилаётган, минбардан тушмай сайраётган, кўчаю майдонларни тўлдириб «митинг» лар қилаётган эди. Шундай даврда Ўзбекистон Президенти эса мажлису митингларни йиғиштириб қўйиб барчани фаолиятга чорлади. Бу тадбир эса гап билан обрў топиб, гап билан қорин тўйдириб юрган баъзи кимсаларга, ўқишу ишдан қочиб кўчада умрини ўтказаётган ёш-яланглларга ёқмади. Аммо, Президентимиз юритаётган изчил сиёсат ундайларни ташвишга солиб қўйди. Алғов-далғов юртни тинчитиш, эл бошини гангитган, ўз ишидан чалғитганларни тийиб қўйиш зарур эди. Бу ишни Юртбошимиз мардона эплади. Элу юртни осойиш ва оройиш фасли сари етаклади.

Мустақиллик эълон қилинмасдан бурун, 1991 йилни - Навоий йили, деб эълон қилган Президентимиз ҳали биз англаб етмаган маънони тушунган, ҳали биз кўрмаган ёруғ кунлар субҳини кўрган эканлар. Энди билсак, «Навоий йили» деб аталишида катта маъжозий маъно бор экан. Навоий халқимизнинг отаси, улуғ шоир ва мутафаккир. Маънавият булоғининг сарчашмаси.

Ўтган кичик, аммо улуғ давр - ўн икки йил ўз мазмун-моҳияти билан асрларга татигулик. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий, хўжалик соҳаларида қилинган ислоҳотлар, ўзгаришлар чинакамига буюкдир. Янги давлат; янги тузум, онгли халқ пайдо бўлди! Йўқ, йўқдан бор бўлмади. Миллий давлатчилигимиз заминига қурилди, миллий анъанамиз бардавом эканлиги намойиш қилинди, миллий тафаккуримизда инқилоб ясалди, асл маънавиятимизга қайтдик, асл маърифатимиз булоқларидан баҳраманд бўлишга эришдик. Бизлар энди янги одамлармиз, эркин, маънавий, маърифий, ҳуқуқий демократик давлатнинг асл фуқароларимиз.

Мустақиллик ўн икки ёшда - мучал ёшида! Ҳар мучалнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Ҳар мучал, айниқса, инсоннинг тадрижий такомилида алоҳида аҳамиятга молик. Инсон мучалда маълум бир даврни босиб ўтиб камолот сари интилади. Мустақиллик ҳам худди шундай, унинг ҳам ҳар мучалда ўз тараққиёт босқичлари, ривожланиш хусусиятлари мавжуд.Инсон эса ўз ўтган умрига бир назар солади ва келажак сари ҳаракат қилади.

Шу нуқтаи назардан қарасак, Мустақиллик йилларида халқимиз, юртимиз мисли йўқ имкониятларга эга бўлди.

Халқимиз ўзининг асрий буюк орзуси - Мустақилликка эришгач, ҳаёт тарзи янги ўзан сари юз бурди. Янги имкониятлар учун йўл очилди-ю, лекин илгариги мустабид тузумдан қолган асоратлар йўлга ғов бўла бошлади. Биз ана шундагина чуқур англаб етдикки, кишиларни кўзга кўринмас дарддан халос этиш жараёни осон кечмас экан.

Бу борада Президентимиз ўз фикру даъватлари, йўл-йўриқлари билан иккиланиб юрганларни, ҳали-ҳануз уйқудаги кишиларни, Истиқлолдан карахтланиб турганларни, боқимандаликка ўрганиб қолганларни сергакликка чорлади.

Биз адолатли, демократик давлат қуриш йўлига кирган эканмиз, инсонлар эркини, заковатини, тадбиркорлигини, ижтимоий ҳаётини ҳам ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш лозимлигини англадик. Адолат бўлмас экан адолатли давлат қуриб бўлмайди, меҳнаткаш кишиларнинг ҳақини, ҳалол нонини бировлар еб кетаверади.

Бугунги кунда Мустақиллигимиз босиб ўтган даврга бир назар ташлайлик-у бизга кўп нарса берди, кўзимизни очди. Ўн икки йил - тарих учун ҳеч нарса эмас, лекин мустақил давлат сифатида дунё ҳамжамиятида ўз ўрнимизни топишимиз учун асрга татигулик бўлди.

* * *

Агар иқтисодий ҳаётимизга назар ташлайдиган бўлсак, биргина дон, нефть мустақиллиги учун амалга оширилган ишлар қалбни қувонтиради. Республикамизда гектаридан 70-90 центнердан ғалла ҳосили етказила бошланди, нефтни, газни қайта ишлаш корхоналари ишга туширилди. Булар оддий иш эмас,халқимиз эҳтиёжи учун энг зарур ишлар эди.

Ҳозирги кунда шаҳар ва қишлоқларимизда ҳаракатга келиб турган автомобилларнинг, далаларимиздаги техниканинг сони қанчалигини биласизми?! Шунча течникани Ўзбекистон тарихида ким кўрган? Ахир улар сув ёки фақат ҳаво билан ишламайди-ку. Илгарилари ёнилғи-мойлаш материаллари асосан четдан келтириларди, эндиликда эса ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Бунга эришувнинг ўзи бўлгани йўқ, албатта.

* * *

Мустақиллик йилларида маънавий ҳаётимизда ҳам улкан ўзгаришлар, силжишлар юз берди. Одамларимиз дунёқараши тубдан ўзгарди. Миллий ғурур, миллий Истиқлол ғояси уларнинг қаддини кўтарди. Тарихий меросимиздан, аждодларимиз бебаҳо хазинасидан баҳраманд бўлиш имконияти туғилди. Халқимиз маънавий олами, маърифий дунёси кенгайди.

Бунинг учун, энг биринчи навбатда, бой маънавий меросимизга мурожаат қилинганлиги ниҳоятда тўғри бўлди. Айниқса, республикамиз Халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш борасида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Бу улкан ишларда таълим борасидаги ва кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳужжатлар ҳуқуқий асос бўлди: ўқув дастурлари, дарсликлар Мустақиллигимиз руҳида бутунлай янгидан яратилди, лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ташкил этилди. Олий билим даргоҳларида бакалаврлик ва магистрлик жорий этилди.

Камина ҳам бир ижодкор сифатида Президентимиз олға сурган ғоялардан, кўрсатмалардан, у кишининг ҳар сафарги йиғилишлардаги чиқишларидан ўзимга тегишли хулоса чиқараман, ўз фаолиятимда фойдаланаман.

Аввало шуни миннатдорчилик билан айтишим керакки, бизнинг «Мулоқот» журналимиз ҳам Президентимизнинг ташаббуслари билан Мустақиллигимиз арафасида ташкил этилган эди. Ўн икки йилдирки, журналимиз Мустақиллик ғояларини халқимизга етказишдек масъул ишни бажариб келмоқда.

Иншооллоҳ, Мустақиллигимизнинг ўтган ўн икки йили ичида кўпгина синов ва имтиҳонлардан омон-эсон ўтдик. Ёш мустақил мамлакатнинг бошидан бу йиллар ичида нелар ўтмади, ҳатто чегараларимизга хавф солиб, пойтахтимизда террорчилик ишларини, давлат тўнтаришини амалга оширмоқчи бўлганлар ҳам топилди. Лекин танти халқимиз Юртбошимиз бошчилигида уларни енгиб ўтишга, ёш авлодни ана шундай душманлардан огоҳ этиб ватанпаварлик руҳида тарбиялашга киришди.

Баралла айтишимиз мумкинки, биз нурафшон йўлнинг бошига чиқиб олдик, ижтимоий ҳаётимизнинг асосини мустаҳкамладик. Мана, ўн икки йилдирки, яратувчанлик ишлари билан бандмиз. Озод Ватанни обод этмоқдамиз, аждодларимиз покиза руҳларини шод қилиб, муқаддас хокини кўзга суртмоқдамиз. Мустақиллик фарзандлари камолга етмокда. Янги имкониятлар мамлакатида янги кашфиётлар даври келмоқда. Ўз юртимизда эмин-эркин яшамак қандай улуғ бахт! Шу улуғ бахт бизга доимо ёр бўлсин, иншооллоҳ!

Барот БОЙҚОБИЛОВ.

● Мулоҳаза

ҲУДУДНИ НОМЛАШ МАСЪУЛИЯТИ:

биз уни қандай тушунамиз ва қай даражада бажарамиз?

Ҳар биримиз яшайдиган ҳудуд қайсидир ном билан аталади. Кўчамиз номидан тортиб, мамлакатимиз номигача ҳар биримизнинг шахсий ҳужжатларимизга битилади. Биз бугун мустақил Ўзбекистон деган юртда яшаймиз ва бу атама шу даражада табиийки, нега шундай номланган деган саволга асло ўрин йўқ. Биз, шубҳасиз бу ном шахсий ҳужжатларимизда ёзилгани билан фахрланамиз.

Лекин... Биз яшайдиган юрт ичидаги барча номланишлар ҳам шу даражада табиий ва фахрланса арзигуликми? Ҳар биримиз ўзимиз яшайдиган вилоят, шаҳар, хўжалик, маҳалла, қишлоқ ёки бирон кўчанинг номланишига эътибор берсак, улар орасида инсон исми-шарифи билан номланган манзиллар анчагина эканлигига гувоҳ бўламиз. Хўш шу ҳолат тўғрими, шу номланишлар бизга эриш туюлмайдими?

Келинг, бу борада тарихимизга эътибор берайлик: аждодларимиз ўз яшаш манзилларини, ҳудудларни номлашда нималарга асосланишган. Тарихда ҳудудларни номлашда одамларнинг касби-кори, табиий ҳолати, ўзига хос томонлари, ўша жойнинг тарихига оид воқеалар эътиборга олинган. Қаранг-а, аждодларимиз яшаган даврда киши номи билан аталган ҳудудлар бўлмаган, аксинча аждодларимиз ўз яшаш жойлари номини эъзозлаб ўз исми-шарифларига қўшиб айтганлар. Бутун дунёнинг катта қисмини босиб ўтган ҳукмдор аждодларимиз, сайёҳларимиз ҳам истаган жойларига ўз номлари ёки авлод-аждодлари номини муҳрлаб қўяверишмаган. Ўз номларини улкан яратишлар билан шу ерлик аҳоли қалбига муҳрлаганлар.

Ҳудудларни инсон номи билан аташ бизга асосан шўролар даврида кириб келди ва шу даражада оммалашдики, ҳар биримизнинг ҳужжатимизда яшаш манзилимизни ифодалаш учун бир неча исм-фамилия ёзиладиган бўлди. Масалан, биз "Ульянов районининг Киров совхозидаги Фрунзе қишлоғида яшайман", деган ибораларга кўникиб қолган эдик. Ёки бўлмаса, ўша даврда вилоят туманларидаги айрим тадбирларда раҳбарлар мулоқотида бир кулгилик ҳолат бўлардики, буни у даврда ҳеч кимга ошкора айтиб бўлмасди. Масалан, пахта ёки ғалла ҳосили йиғим-терими авж олган паллада туман раҳбари хўжалик раҳбарларини ҳар куни "штаб"да йиғади. Бу йиғилишлар қандай кечганини бир эслайлиг-а: туман раҳбари хўжалик раҳбарларига қарата: "Ленин, нега сизнинг темпингиз паст? Ана, Марксдан ўрнак олсангиз бўлмайдими? Нега Ворошилов кўринмайди? Энгельс қани, туринг-чи, Киров сиз ҳам!" қабилида сўзлайди. Шунга ўхшаш ҳолат деярли ҳар бир туман раҳбари тилидан, ҳар куни такрорланар эди.

Тузум ўзгарди, номлар ҳам. Аммо биз ҳудудлар номини инсон исми-шарифи билан аташ "пойгаси"дан тўхтадикми? Нега "пойга" деяпмиз? Чунки тегишли маълумотларга қараб бу ҳолатни қайси туман, шаҳар ёки вилоятлар ўртасида инсон исми-шарифи билан аталадиган манзиллар кўпроқ бўлиши учун ўзига хос пойгадек таърифлаш мумкин.

Айниқса, бир туман номи бир инсон номи билан аталгани етмагандек, шу туманда яна бир хўжалик, маҳалла, қишлоқ, кўча ҳам шу ном билан номланади. Масалан, Акмал Икромов номли тумандаги Акмал Икромов номли маҳалла аҳли, дейилади. Бордию, у ерда яна биронта кўча ҳам шундай номланган бўлса-чи? Ҳамза туманидагилар-чи? Шу тумандаги мавжуд 50 та маҳалланинг нақд 31 таси инсон номи билан аталади. Юртимиздаги У.Юсупов, А.Икромов, Й.Охунбобоев, Ҳамза, Ф.Хўжаев номли ҳудудларни, айниқса, маҳалла ва кўчаларни санаб саноғига етиш қийин.

Пойтахтимизда ҳам, вилоятларда ҳам ўнлаб марта, ҳатто бир туманда бир неча ўринда бир хил номлар такрорланаверади. Бу озми ёки кўпми? Билмадик. Аммо туман раҳбарлари барча маҳаллаларни йиққанда ўша шўро давридагидек кулгили ҳолат юз бериши табиий.

Андижон вилояти Қўрғонтепа туманида 18 та маҳалла, Жиззах вилояти Жиззах туманида 9 та маҳалла, Наманган шаҳрида 12 та маҳалла, Навоий вилояти Хатирчи туманида 13 та маҳалла, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида 7 та маҳалла, Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида 9 та маҳалла кишилар номи билан юритилади. Бу ердаги маҳаллалар сони аслида унча кўп ҳам эмас. Бунинг устига уларнинг аксарияти мамлакатимизда юзлаб жойда такрорланадиган таниш номлар. Наманган вилоятида 8 та маҳалла, Андижон вилоятида 7 та маҳалла Й.Охунбобоев номида экан. Тошкентнинг Миробод туманидаги маҳаллалардан бири Мусо Тошмуҳаммад, яна бири Ойбек деб аталар экан. Бу аслида нимани билдиради? Манзилларимизга муносиб ном тополмаётганимизними, ёки бу ўриндаги эътиборсизлигимизними? Яна бунинг устига ўша ном эътироф этилгач, ундан сўнг "номли" сўзини айтишни унутамиз. Оқибатда, сўзларимиздан фалон киши шарафига номланган ҳудуд эмас, гўёки ҳудуд ўша шахсга тегишли бўлгандек маъно чиқади. Масалан, Фурқат маҳалласи, А.Дадахонов кўчаси каби айтилади ва кўча кўрсаткичлари ва бошқа ҳужжатларда ҳам шундай ёзилади. Қолаверса, сўзлашув жараёнида бирон манзилни тушунтирмоқчи бўлсак, кўша-кўша исми-шарифлар билан аталадиган манзилни айтишда унинг номини қисқартириб айтиб қўя қоламиз. Шунда биз улуғлашни истаган сиймоларнинг номлари кулгули ва нотўғри айтилади. Шунингдек, Тошкент шаҳрида бир маҳалла номини унинг туманини кўрсатмасдан айта олмайсиз. Чунки бундай номдаги маҳалла бошқа туманда ҳам бор. Ўтмишда эса Тошкентнинг жойлари номи айтилиши биланоқ аниқ манзил англашилган.

Умуман олганда, бундай номланишларга бутунлай чек қўйиш керак деган фикрдан йироқмиз. Чунки биз кўча ва маҳаллаларимизни номлари билан атаб, улуғлаётган бу инсонлар турли жабҳаларда фидокора меҳнат қилиб, эл эътиборига тушганлар. Фақат бу ўринда ҳам чек-чегара бўлсин, манзилларни номлашда ҳаёт талабидан келиб чиқайлик.

Агарки, биз юрт, халқ учун фидойи бўлиб ҳаётдан ўтганлар хотирасини эъзозлаш ҳақида қайғураётган бўлсак, бир одамнинг номини кўплаб жойларга қўйиш билан бунга эришиб бўлмайди. Аксинча, бу эъзоз эмас... Қолаверса, марҳумларга бўлган эъзозимизни намоён этишнинг жойларга уларнинг номини қўйишдан бўлак йўли йўқми? Бор, албатта. Мустақил юртимизда, айниқса, Юртбошимиз томонидан ташаббус кўрсатилиб ўтказилаётган ва доимий тарзда йўлга қўйилган хотирлаш, марҳумларни эъзозлаш тадбирлари оз эмас, ҳатто кўплаб мамлакатлар ибрат олса арзигулик. Пойтахтимизда ва вилоятларимизда бундай эзгу ишлар шундоққина кўзга ташланиб турибди.

Чори ЛАТИПОВ

Фарғона вилояти

Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари вилоят бўлимлари ҳамкорликда ўтказган семинар-кенгаш «Маҳалла йўли-эзгулик, ҳиммат ва адолат йўлидир» деб номланди.

ДАНҒАРАДА СЕМИНАР:
«МАҲАЛЛА ЙЎЛИ...»

Данғара туманида ўтказилган бу тадбирга вилоят, шаҳар хотин-қизлар ишлари бўйича ҳоким ўринбосарлари, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармаларининг шаҳар ва туман бўлинмалари раислари таклиф этилдилар.

Туман ҳокими Қаюмжон Дадабоев эса ўтган етти ойда «Обод маҳалла йили» дастурини амалга ошириш бўйича қилинган ва келгусида қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида гапирди. Ҳақиқатдан ҳам туманда айтишга арзирли талай юмушлар амалга оширилянти. Хусусан, йил бошида тадбиркорлар кўмаги ва ҳашар йўли билан 16 та маҳалла гузари қуриш режалаштирилган эди. Ҳозиргача уларнинг 9 таси ишга туширилди. Қолган гузарларда қурилиш ва ободончилик ишлари Республикамиз Мустақиллигининг 12 йиллиги байрами арафасида якунланади.

Йиғилиш қатнашчилари вилоят Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Толибжон Ҳафизов ҳамда вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси Усмонжон Бегматовларнинг Обод маҳалла йилида амалга оширилаётган ва келгусидаги режалари, қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақидаги таклифларини таҳлил қилдилар.

Йиғилишдан сўнг меҳмонлар Данғара шаҳарча фуқаролар йиғинига ташриф буюриб, бу ердаги қатор ибратли ишлар билан танишдилар, янги қишлоқ маҳалла фуқаролар йиғини янги бинонинг очилишида иштирок этдилар.Маҳалланинг маъмурий биноси олти хонадан иборат бўлиб, уни икки тадбиркор - Муҳаммаджон Сатторов ва Ғофуржон Умаржоновлар ўз маблағлари ҳисобига қисқа муддатда қуриб бердилар.

Қодир ШОДМОНОВ,
«Mahalla» мухбири.

Суратда: "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси раиси Кимёхон Имомалиева семинар қатнашчилари даврасида

МОЖАРОЛИ УЙ-ЖОЙ: ЖИЯННИКИ ЭМАС, ОМОННИКИ!

● Фуқаролик иши

Миробод туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг хулосаси шундай бўлди

...Омон ва Тоҳир Жумановлар амакию жиян. Бир уй можароси туфайли амаки уни қўлловчи қариндошу кўшнилар билан бир тарафу, жиян ўзининг ёнини олувчилар билан иккинчи тараф бўлиб судлашдилар. Қариндош-уруғ, кўп йиллик қадрдон кўшнилар ҳам шу можаро сабаб бўлиб бир-бирини айбловчига айландилар.

...1980 йил охирида Ўрта Чирчиқ тумани ижроия қўмитасининг қарори билан О.Жумановнинг ер олиш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилади. Икки-уч йилда етти хонали уй, айвону бостирма, ошхонаю ҳаммоми билан қуриб битказилади. Уй битгач, Бектемир туманидаги Ҳусайн Бойқаро номли берк кўча 12-хонадонда О.Жуманов оиласи билан бир ярим йил истиқомат қиладию, бетоб ота-онасини парвариш қилгани Ўрта Чирчиқ туманидаги ота уйига кўчиб кетади. Янги уй-жойда Омоннинг акаси Есеннинг болалари, айнан ўша вақтда бошпанасизликдан ижарада туриб, сарсон бўлиб юрган икки ўғли Тоҳир ва Иброҳим Жумановлар яшай бошлайди. Уй-жой ҳужжатлари О.Жумановнинг номида бўлиб, у кўп йиллар давомида турли тўловларни тўлаб туради. Ҳужжатларни эса ҳар эҳтимолга қарши жияни Тоҳирга бериб қўяди. Шу тариқа йиллар ўтади, Омон жиянлари ва ҳовли-жойдан кўнгли тўқ юраверади. Кунлардан бир кун акаси келиб, «Набираларни рўйхатга қўйиш учун аризаларинг керак» дея Омон ва хотинига олтита тоза қоғозга имзо қўйдириб олади. «Ариза матнини кейинроқ ёзиб олаверамиз» дейди ака. Кўнгли шубҳадан холи эр-хотин дарҳол имзо чекиб берадилар. Орадан анча йил ўтади. Омон ҳам ўрта мактабни битирган ўғлини мана шу уй-жой рўйхатига қўйиш учун келганида ўз ҳовли-жойининг аллақачон жияни Тоҳирнинг номига ўтиб, у томонидан фуқаро Фурқат Юнусовга сотилганидан хабар топади. Шу ўринда «Ахир, қандай қилиб ҳовли-жой эгасининг розилиги ва иштирокисиз сотилиши мумкин?» деган савол туғилиши табиий. Буни қарангки, мумкин экан. Фақат бунинг учун айрим идораларнинг олчоқ жиянни қўллагувчи бир нечта мутасаддилари топилса кифоя экан.

Ўзига неча йил бошпана берган амакисининг ҳовли-жойини унинг розилигисиз сотиб юбориш учун жиянга анча «ғайрат-шижоат» керак бўлган. Шундай қилиб, Есен укаси ва келини имзо чекиб берган тоза қоғозларни ўғлига келтириб беради. Бу қоғозларнинг биттаси уй эгаси номидан мурожаат этиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат сифатида ноқонуний расмийлаштирилади. Унинг ноқонунийлиги кейинчалик суд жараёнида хатшунос экспертизаси хулосасига кўра аниқланади. Яъни унга асосий матн ёзилмай туриб имзо чекилгани, демак имзо чекувчилар матн мазмунидан бехабар бўлганликлари аниқланади. Устига-устак бу ҳужжатни расмийлаштирган Бектемир тумани давлат нотариал идорасининг қайдлар дафтарига Омон Жуманов ва Зулфия Жумановалар ўрнига ҳам бошқа кимдир имзо қўйган. Ва бу ҳолатни ҳужжатни расмийлаштирган нотариал идора ходими билмаслиги мумкин эмас, демак у қалбаки ҳужжатни атайин расмийлаштирган. Кейинчалик, яъни 2000 йилнинг 24 июлида Тоҳир Жуманов томонидан Бектемир туман ҳокимиятига Ҳ.Бойқаро берк кўчасидаги 12-хонадонга эгалик ҳуқуқини сўраб ёзган аризаси қабул қилинади. Қизиқ, ҳокимиятга топширилган ҳужжатлардан бири - уйда рўйхатда турувчилар ҳақидаги маълумотномада Омон Жумановнинг рўйхатда туриши қайд этилган. Қайта расмийлаштиришда унинг оиласи аъзоларининг розилиги бўлиши лозимлигини наҳотки ҳокимиятнинг масъул ходимлари билмаган бўлсалар?! Ёки бу ҳовли-жойнинг дастлаб кимга берилгани ҳам уларни қизиқтирмаган кўринади. Нима бўлса ҳам, туман ҳокимияти 2001 йилнинг 18 апрелидаги 158/7-сонли қарори билан Т.Жумановни юқоридаги уй-жойга мулк эгаси сифатида тасдиқлайди. Шундай қилиб, ҳокимият уйнинг О.Жумановга тегишли эканлиги ҳақидаги ҳақиқий ҳужжатларнинг мавжудлигига кўз юмгандай муносабатда бўлади. («Нимани эвазига?» деган саволни беришни лозим топмадик.) 2002 йил 4 апрелда эса уй 1620000 сўмга сотилгани юзасидан Т.Жуманов ва Фурқат Юнусов ўртасида олди-сотди шартномаси расмийлаштирилади. Шу ўринда ҳовли-жойнинг низоли эканини била туриб уни сотиб олган, бу билан вазиятдан фойдаланмоқчи бўлган харидор Ф.Юнусов ҳам инсоф билан йўл тутгани даргумон. Гарчи у ўзини судда инсофли сотиб олувчи деб таъкидлаган бўлса-да, Абай номли маҳалла оқсоқоли М.Султонов ва бошқалар ўз кўрсатмаларида Ф.Юнусов уйнинг низоли эканидан хабардор бўлганини тасдиқладилар. Шундай қилиб, у низоли ҳовлини сотиб олгач, уй дафтарини янгилатади. Суд мажлисида Бектемир туман ИИБ Паспорт бўлими бошлиғи Х.Умаров «Ҳ.Бойқаро берк кўчасидаги 12-уйнинг биринчи уй дафтари собиқ паспорт бўлими бошлиғи А.Валижонов томонидан очилгани, ушбу низоли уйнинг иккинчи уй дафтарини эса унинг ўзи, Ф.Юнусов номидаги олди-сотди шартномасига асосан очиб берганлигини, эски уй дафтарида рўйхатда бирон киши қолган ҳолатда янгиси очилмаслиги» ҳақида кўрсатма беради. Шунингдек, у «О.Жуманов ўзини рўйхатдан чиқариш тўғрисида ёзма ёки оғзаки мурожаат қилмаганини, демак у ҳозирги кунда ҳам уй рўйхатида эканлигини» таъкидлайди. Ажабо, бир кишининг ўзи, устига-устак масъул шахс бўла туриб бир вақтнинг ўзида икки хил, бир-бирини инкор этувчи кўрсатма беришини қандай тушунмоқ лозим? Савол туғилади: у янги уй дафтарини очганда эски уй дафтарида рўйхатда турганларни билармиди? Унинг жавоби шундай: Йўқ ва ҳа. Қай бири уни оқласа, ўшаниси!

Суд мажлисида ҳар икки томонни ёқлаб ўнлаб гувоҳлар кўрсатма берадилар. Бу гувоҳларнинг аксарияти шу маҳаллада яшайди. Уларнинг ярми уй-жойни Омон қурганди десалар (уларнинг кўпи холис одамлар), баъзилари (улар асосан Есеннинг ўғиллари ва келинлари) Есен қурганди дейдилар. Есен Жумановнинг ўзи эса ҳовлини укам икковимиз қурганмиз, ўғилларимга ҳовлини амакингиз билан келишиб сотинглар деганман, дейди. Лекин тоза қоғозларга Омон билан хотинига қўл қўйдириб келган унинг ўзи. Дарвоқе, маълум бўлишича, бир вақтлар Тоҳир амакисига ҳовлини сотишни таклиф қилган, лекин у баҳолаган нархга амакиси кўнмаган экан. Ҳар ҳолда Тоҳир судда ўзининг ноқонуний хатти-ҳаракатларини, яъни ўз амакисига тегишли мол-мулкка доир ҳужжатларни атайин яшириб, ўз номига қалбаки ҳужжатлар ҳозирлаб, ҳовлини сотиб кўзбўямачилик қилганини шу ҳолат билан изоҳламоқчи бўлади.

2003 йил 12 мартда бўлиб ўтган суд мажлиси қуйидагича қарор қилди: «...Даъвогар Омон Жумановнинг Бектемир тумани ҳокимиятининг 2001 йил 18 апрелдаги Ҳ.Бойқаро берк кўчасидаги 12-уйни Т.Жуманов номига шахсий мулк сифатида расмийлаштириш тўғрисидаги қарорини ва Бектемир туман давлат нотариал идорасининг ушбу уй-жойни Ф.Юнусовга сотилгани тўғрисидаги олди-сотди шартномасини бекор қилиш ва ушбу уй-жойга нисбатан ўзининг эгалик ҳуқуқини бериш тўғрисидаги даъвоси тўлиқ қаноатлантирилсин...»

Судда ўз жиянидан жабр кўрган амакининг ҳуқуқи тикланди. Лекин бундай можароларнинг ҳаммаси ҳам шундай якун топаяптими? Умуман, нега кўпчилигимиз бошимиз деворга «тақ» этиб тегмагунча, яъни қариндош-уруғчиликка, жигарчиликка совуқчилик соладиган можаро бошланмагунича уй-жой, меросларни расмийлаштиришга шошилмаймиз. Кузатсангиз, кўпгина оилаларда уй-жойга эгалик қилиш билан боғлиқ ҳужжатлар аро йўлда: кимдир дунёдан ўтиб кетган бувасининг номидаги, кимдир бошқа вилоятга кўчиб кетган қариндоши номидаги уй-жойда истиқомат қилмоқда. Нега шундай, деб сўрасангиз «Биз ўзаро келишганмиз, барибир шу уй менга тегишли-да» дея пинакни ҳам бузмайдилар. Вақти келиб эса қанча асаббузарликлар эвазига судлашиб юрадилар. Кўпинча қария отаоналарнинг бундай муҳим ишни пайсалга солишлари ҳам шундай можароларга сабаб бўлади. Дарвоқе, юқоридаги воқеада ҳам ака Есеннинг айтишича, у уй-жойни қуришда укасига ёрдамлашган, ўша пайтда уларнинг ўртасида оғзаки келишув бўлган. Суд қарорида бу хусусда шундай ёзилади: «...Лекин Есен Жуманов уйни қурганлиги ҳақида судга аниқ ёзма ёки бошқа далиллар тақдим қила олмади, у ўз даъвосини исботлай олмади...»

Сўнгсўз ўрнида шу каби оғзаки битим ёки келишувлар билан чекланиб, ўз оиласининг, қариндошларининг келажакдаги аҳиллигини таҳдид остига қўяётганлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 109-моддасини эслатиб ўтмоқчимиз: **«Битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди, бироқ низо чиққан тақдирда тарафларнинг битимни тузганлигини, мазмунини ёки бажарилганлигини гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади. Тарафларнинг келишуви тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади».**

Абдуғаффор ХОЛИҚОВ,
Миробод туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг судьяси;
Мавлуда ҚОСИМОВА,
«Mahalla» мухбири.



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат

Қурбонбой Матмуродов Хоразм вилояти Хазорасп туманидаги миниатура мактабининг асосчиси. Яқинда пойтахтда бўлиб ўтган кўргазмада унинг шогирдлари ўз асарларини намойиш этишди.

СУРАТДА: Қурбонбой Матмуродов ўғиллари Сирожиддин ва Беҳзод билан.

● Устоз - шогирд анъанаси

Рустам РАЖАБОВ,
Қашқадарё вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғи.

ТАЪЛИМ РАВНАҚИ - ИСТИҚЛОЛ ИСТИҚБОЛИ

Маълумки, Халқ таълими тизими Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ ўз ишини ислоҳ қилишдан бошлади. Чунки истиқлол берган эркин, озод яшаш имконияти энди бизни тамоман янгича фикрлашга, янгича яшашга ундар эди. Зотан, собиқ шўролар давридаги таълим, хусусан, унинг ғояси энди биз учун кўп томонлама тўғри келмас эди. Бугунги таълим тизими Истиқлол ғоялари билан суғорилган рухда бўлиши, унинг мақсад ва вазифалари ҳам мустақил юрт, унинг халқи равнақига хизмат қилиши керак эди.

Мамлакатимиз Президентининг, ҳукуматимизнинг таълимга бўлган катта эътибори туфайли халқ таълими тизими шундай йўналишга эриша олди. Бугунги кунда вилоятимиз мисолида ҳам бунинг натижасини кўриш мумкин.

Ўқитувчиларимизнинг 70 фоизидан ортиқроғи олий маълумотли ва қолган қисми эса ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассислардир. Уларнинг салоҳиятли мутахассислар эканлигини республикамиз миқёсида таълим муассасалари ўртасида ўтказилаётган кўрик-танловлар ҳам белгилайди. Масалан, "Йил ўқитувчиси - 2003" республика танловида Шаҳрисабз туманидаги 3-ихтисослашган мактабнинг кимё фани ўқитувчиси Бахтиёр Хуррамов учинчи ўринни, "Йил мактаби - 2003" танловида Косон туманидаги ихтисослашган мактаб (раҳбари З.Дўстёрова) учинчи ўринни қўлга киритганлиги фикримизни тасдиқлаши мумкин.

Шунингдек, АҚШнинг "АЭРКС" ташкилоти томонидан ўтказилган танловда ғолиб чиққан Қарши шаҳар халқ таълими мактабларининг олти нафар ўқитувчилари бир ой муддатга малака ошириш учун АҚШга жўнаб кетдилар. АҚШ "Акселс" ташкилотининг танловида мутлақ совриндорларга айланган Китоб туманидаги 2-ихтисослашган мактаб ўқитувчилари М.Турсунова, М.Қосимова ва М.Ғаффоровалар илмгоҳлари учун 2000 доллар қийматидаги жиҳозларни ютиб олдилар.

Бугунги кунда ўқувчиларимиз дарсликлар билан 100 фоиз таъминланган. Бу эса уларнинг фанларни яхши ўзлаштиришларига омил бўлаётир. Шу туфайли республика фан олимпиадасида Қарши шаҳридаги 3-ўрта мактабнинг ўқувчиси Гавҳар Абдураҳимова ўзбек тили ва адабиёти фанидан биринчи, Шаҳрисабз туманидаги 57-ўрта мактаб ўқувчиси Бобур Қурбонов тожик тилидан биринчи, вилоят кўзи ожиз болалар махсус-интернати ўқувчиси Равшан Бойназаров математика фанидан иккинчи, Ғузор туманидаги 68-ихтисослашган мактаб ўқувчиси Темур Раупов рус тили ва адабиёти фанларидан учинчи ўринни қўлга киритганлари педагогларимиз меҳнатининг самарасидир.

Бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиққан ҳолда таълим муассасаларимизнинг барчасида маркетинг хизматларини ташкил этдик. Натижада бошқармамиз тасарруфидаги мактаблар томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдан 100 минг, ижара ҳисобидан 616 минг, маиший хизмат кўрсатишдан 140 минг, ҳомийлар ёрдамида 1 миллион 296 минг сўм ва бошқа хизмат турларидан 2 миллион 144 минг сўмдан кўпроқ маблағ ишлаб топилди ва мазкур даромадлардан мактабларимиз моддий-техника базасини мустаҳкамлаяпмиз.

Вилоятимиз бўйича туман ҳокимларининг қарори билан ҳар бир мактабга 60,4 гектар ер ажратиб берганлигимиз, уларнинг моддий аҳволини яхшилашга яна бир омил бўлмоқда. Таълим муассасаларимизда турли хил фан ва спорт тўгаракларининг иши тубдан яхшиланганлиги боис, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида "Устозу шогирд" анъанаси яна тикланяпти. Шу йилнинг бошида Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Андижон шаҳарларида юнонрум кураши бўйича ўтказилган мусобақаларда ғолиб чиққан ўқувчиларимиз Шоҳруҳ Кенжаев, Дилшод Ишимов, Отабек Авлиёқулов, Абдуғани Қурбонов, Бекзод Аннабердиев ўз вазн тоифаларига кўра республика чемпионлигини қўлга киритишди.

Англиянинг Канада Халқаро сув секретарияти 1998 йилдан буён Фарғона тумани маҳаллалари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

МАҲАЛЛАДА "СУВ БАЙРАМИ"

Робреил Реголет ва Биллур Гундорел раҳбарлигидаги бу халқаро ташкилот ёрдамида кейинги беш йилда туманнинг Ёрдон, Шоҳимардонобод, Гулшан, Янбароқ ва Оқбилол қишлоқ ҳамда маҳаллаларида 40 километрдан ортиқ масофага қувурлар ётқизилиб, хонадонларга тоза ичимлик суви киритилди. Ҳозирги кунда бу қишлоқ ва маҳаллаларда "Ёрдон", "Тоза сув", "Гулшан", "Зилол", "Орзу" сув жамоа уюшмалари ташкил қилинган. Бу уюшмалар сув манбааларини муҳофаза қилиш билан бирга хонадонларга қувурлар орқали узлуксиз тоза ичимлик суви беришни таъминламоқдалар ва тўловларни йиғмоқдалар.

Обод маҳалла йилида ушбу уюшмалар ўртасида "Сув байрами"ни ўтказиш анъанага айланиб қолди. Яқинда шундай байрам Ўринбой Ҳамролиев раислик қилаётган Тинчлик маҳалласи фуқаролар йиғинига қарашли Янбароқ қишлоғидаги "Зилол" сув жамоа уюшмасида бўлиб ўтди.

Хонадонларга тоза ичимлик суви кириб борганлигининг бир йиллигини нишонлашга бағишлаб ўтказилган байрам тантанасига нафақат Янбароқ қишлоғи аҳолиси, балки қўшни маҳаллалардан, сув жамоа уюшмаларидан, ҳатто Қирғизистон Республикасидан ҳам меҳмонлар келишди.

- Ёшим 80 дан ошган бўлса-да, бундай байрамда биринчи марта қатнашишим, - деди Бувинисо она Ҳамидова. - Тоза ичимлик суви маҳалламиз аҳолисининг азалий орзуси эди. Бу орзу мустақиллик туфайли амалга ошди.

Қодир ШОДМОНОВ,
«Mahalla» мухбири.

Тошкент вилояти

Паркентнинг пурвиқор тоғлари орасида Халқаро авиакосмик мактаби бор. Унинг фаолият юрита бошлаганига ўн беш йил тўлди. Дунёга машҳур фазогирларнинг бу мактабга ташриф буюришлари одатий ҳолга айланган. Улар бу мактабда бўлганларида талабаларга фазо сирларидан сабоқ берадилар.

СУРАТДА: космонавт Солижон Шарипов ва франциялик фазогир М.Клавел мактабда бўлган пайтлари акс эттирилган.

● Жиноят иши

ҚОТИЛЛИК

Унинг олдини олиш мумкин эди-ку!

Инсонийликдан маҳрум бўлган кимсаларнинг жиноий хатти-ҳаракатларидан даҳшатга тушасиз. Улар қилмишлари фош этилиб, қора курсига ўтиргач, пушаймонлик билдириб, ўзларини тавбасига таянгандек қилиб кўрсатмоқчи бўлишади. Афсуски, энди кеч. Жиноятга эса жазо муқаррардир.

Жасурнинг қилмиши ҳам ана шундай аянчли якун топди. Шу йилнинг 28 февраль куни у наркотик модда истеъмол қилиб, анчадан бери аразлаб отасиникида яшаётган хотинининг жонига қасд қилиш пайига тушди. "Келса келди, бўлмаса сўйиб ташлайман", - дерди у ўзигаўзи. Жасур катта ошпичоқни енги ичига яшириб, кўчага чиққанида вақт алламаҳал бўлиб қолганди. Бемаҳалда эшикнинг қаттиқ тақиллашидан Жасурнинг қайнотаси К.Қаландаров оиласидагиларнинг барчаси уйғониб кетишди.

- Хотинимни олиб кетиш учун келдим, - деди у қайнотаси билан даҳлизда ёнма-ён ўтираркан. Шу аснода бирин-кетин Жасурнинг қайнонаси С.Қурбонова, хотини Садоқат, қайнукаси Диёрбеклар ҳам дастурхон атрофига келиб ўтиришади. Одатдагидек, майда-чуйда гаплар, гина-кудрат бошланди.

- Хуллас, қизимни сенга қўшиб юбормайман, - гапга якун ясайди К.Қаландаров. - Ота-онангни ўзлари келишсин. Кейин бир ўйлашиб кўрамиз.

Шундан сўнг, Жасур "мен Садоқат билан алоҳида гаплашиб кўрмоқчиман", - деб уни ичкари хонага олиб киради. Қолганлар даҳлизда кутиб қолишади. Эрининг ёвуз ниятини пайқамаган Садоқат "мен уйга бормайман", - деб сўзида қаттиқ туриб олади. Худди шуни кутиб тургандек кўзлари ғазабга тўлган Жасур унинг сочидан ўраб олиб, бўйнига пичоқ тортади.

Садоқатнинг хириллаб чиқаётган даҳшатли чинқириғини биринчи бўлиб эшитган онаизор ўзини ичкарига уради. Қотилнинг қўлидаги пичоққа ёпишади. Жасур энди Садоқатни қўйиб, қайнонаси С.Қурбонованинг дуч келган жойига пичоқ ура бошлайди. Бу пайтда Садоқат ҳушидан кетганди.

Жабрланганларнинг "оҳ-воҳ"ига қўшнилар ҳам уйғониб кетишади. Улар етиб келишганида қотил аллақачон қоронғулик қарига чўмиб кетган эди. Жасур уйига келиб, ўз жонига қасд қилиш мақсади-да, ўзига ҳам пичоқ санчади.

Эртасига тонг отмаёқ бу даҳшатли фожеа бутун Оқдарбанд қишлоғи бўйлаб ёйилди. Прокуратура, ички ишлар ходимлари ҳам шу ерда ҳозир бўлишди. Маҳалла дарғалари етиб келишди... Келишди-ю, мум тишлаб қолишди... Чунки, бу оиладаги можаролар қишлоқ фуқаролар йиғинида кўриб чиқилган, айни пайтда ҳам яраштириш комиссияси бу иш билан шуғулланаётган, лекин, негадир можарога ҳали нуқта қўйилмаган эди. Бу пайсалкашлик эса жуда қимматга тушди.

Охир оқибатда Садоқатнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Бироқ, онаси С.Қурбонова касалхонада дунёдан кўз юмди.

Энди бироз мулоҳаза қилайлик:

Кўпинча, биз қотиллик юз берса, нега бундай бўлди, унинг олдини олиш мумкинмиди ёки йўқлиги ҳақида ўйламаймиз, сабабларини ўрганмаймиз. Аксинча, "Пенонаси шўр экан бояқишнинг", - деб кўнглимизга тасалли бериб қўяқоламиз. Ваҳолонки, юқоридаги қотилликнинг келиб чиқишига ҳам бир қатор жиддий ва арзимас сабаблар бўлган.

Биринчидан, шу йилнинг 8 январь куни Жасур билан Садоқат арзимаган нарса устида жанжаллашиб қолишади. Жасур муштига зўр беради. Натижада, Садоқатнинг кўз қовоғи ёрилиб, ғурра бўлади.

Уйга кетиш унинг хаёлига ҳам келмайди. Эртасига эрта билан туриб, одатдагидек молларга қарайди, сигирларни соғади. Лекин, нонушта пайти келиннинг болдизи Маърифат "Юзи қалин, урса ҳам уйига кетмайди бу", деган кесатиғи Садоқатга қаттиқ таъсир қилади. Таппа ўрнидан туради-ю, нарсаларини йиғиштириб, отасиникига жўнаб қолади. Бир ярим ой мобайнида маҳалла аралашуви ҳам, ота-оналар маслаҳати ҳам икки ёшни яраштиришда наф бермайди.

Бир аянчли ўкинч, армонли умид пайдо бўлади киши қалбида: "Балки, ўшанда Маърифат кесатиқ қилмаганида, бироз тилини тийганида Садоқат уйига кетиб қолмаган, ушбу ёвуз қотиллик ҳам содир қилинмаган бўлармиди?!"

Мазкур жиноятнинг яна бир жиддий сабаби шуки, қотиллик юз бермасидан роппа-роса 12 кун олдин - ярим тунда Жасур маст бўлиб келиб, Садоқат ётган уйнинг деразасини тақиллатади. "Садоқат, чиқ бу ёққа сўяман сен ... ни", - деб дўқ-пўписа қилади. Қайнотаси К.Қаландаровнинг ўзи ташқарига чиққач қочиб кетиб қолади.

Афсуски, унинг бу қалтис ҳаракатига эътибор берилмайди. Агар ўз вақтида бу ҳақда тегишли идораларга билдирилганда, Жасурнинг таноби тортиб қўйилган бўлармиди.

Хуллас, ана шундай эътиборсизлик ва лоқайдликлар натижасида яна бир қотиллик юз берди. Бу кимларгадир аччиқ сабоқ бўлса, ажаб эмас.

Албатта, қотил ўзининг ҳақ жазосини олди. - 20 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Лекин...

Юқоридаги фожеанинг сабабларини бежиз таҳлил этмадик. Чунки, ҳар биримизнинг ҳаётимизда рўй бериши мумкин бўлган бундай ҳодисаларга бефарқ бўлмаслигимиз лозим.

Рустам КАРИМОВ,
Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани прокурори, адлия катта маслаҳатчиси;
Қодир МУЛЛАЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Олам турфа

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

Аптека. Грекча "аптэке" сўзи "омбор", "нарсалар сақланадиган жой" деган маънони билдиради. Бу сўз грек тилидан бошқа тилларга ўтиб, торроқ мазмун касб этган.

Бинобарин, аптека "дори сақланадиган омбор" маъносида ишлатила бошланган.

Бруцеллёз. Қорамол, қўй, эчки, чўчқа сингари уй ҳайвонларида учрайдиган юқумли сурункали касаллик, унинг микробларини биринчи бўлиб инглиз олими Бруце топганлиги учун касаллик ҳам шу олимнинг номи билан "бруцеллёз" деб аталган.

Инфаркт. Касалликни билдирувчи бу ибора лотинчадаги "инфартус" (тўлган, лиқ тўлган) сўзидан келиб чиққан.

Курорт. Бу сўз немисча "кур" - даволаниш "оот" - жой сўзларидан ясалган бўлиб, табиий шифобахш омилларга (иқлим, маъданли сувларга) эга бўлган даволаниш жойини билдиради.

КЕЙИН МАЪЛУМ БЎЛИШИЧА...

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассисларининг ҳисобига қараганда, дунёдаги тўрт бемордан биттаси ифлосланган сувдаги микроблардан касалланганлар.

Ҳаёт учун хавфли бўлган меъда бузилиши ўтмишда ҳам, аксари ҳолларда ифлосланган сув туфайли, кўплаб содир бўлган.

Масалан, эрамиздан олдинги 326 йил ёзида Шарқ мамлакатларини забт этиш учун Ҳиндистонга келган Искандар Зулқарнайннинг аскарлари орасида меъда-ичак касалликлари кенг тарқалган эди. Шуниси таажжубланарли эдики, лашкарбошилар ҳам, аскарлар ҳам айни бир муҳитда яшаган бўлишларига қарамай, меъда бузилиши билан асосан оддий аскарлар оғриганлар.

Кейинчалик маълум бўлишича, Искандар қўшини орасида касалликнинг нотекс тарқалишига лашкарбошиларнинг кумуш, оддий аскарларнинг эса қалайи косада овқат истеъмол қилганлари сабаб бўлган экан.

КИРИЛЛ НОМИДАН ОЛИНГАН АЛФАВИТ

Маълумки, бугунги ўзбек ёзуви бошқа туркий тиллар ёзуви сингари 1940 йили қабул қилинган рус графикасига асосланган. Ҳозирги рус графикаси славян ёзуви асосида, славян ёзувининг ўзи эса IX асрда юнон алфавити заминида пайдо бўлган. Дарвоқе, юнон, араб, рус алфавитлари бошланадиган ҳарфлардан, масалан, юнонча "альфа" ва "бета" ёки "вита"дан алфавит, арабча "алиф" ва "ба"дан алифбо, русча "аз" ва "буки"дан "азбука" сўзлари ясалган.

Бошқача қилиб айтганда, IX асрда ака-ука Кирилл ва Мефодийлар ўша даврдаги юнон алифбоси асосида, лекин унга ижодий ёндошганлари ҳолда, славян халқлари учун жуда ноёб алфавит тузганлар. Бу алфавитлардан бири глаголица (қадимги славян тилида глагол - сўз дегани) бўлиб, у жуда мураккаб, иккинчиси эса кириллица - алфавит кашфиётчиси Кирилл номидан олинган анча содда, аниқ.

Ҳозирги рус алфавити мана шу кириллица алифбоси заминида вужудга келган ва вақти-вақти билан ислоҳ қилиб турилган.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

● Яхшилар гулшани

ОДАМ БОЛАСИ

у барча жонзотлардан юқори бўлиб яралди ва унга муносиб бўлмоғи ҳам керак

Одам жамики яралган маҳлуқотдан юқори,азиз ва мукаррам бўлди: «Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азиз-мукаррам қилдик ва уларни қуриқлигу денгизда (от-улов ва кемаларга) чиқариб қўйдик, ҳамда уларга ҳалол-пок нарсалардан ризқурўз бердик ва уларни Ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал-устун қилиб қўйдик» **(Қуръон, Исро сураси, 70-оят).**

Одам боласига илм, ақл-идрок,зеҳн-заковат берилди. Бутун ер юзи, сув ости ва осмондаги махлуқотни бошқариш, ўзига бўйсундириш фақат Одам боласига насиб этилди. Қуръони каримда зикр қилинган 23 ривоятларда нақл қилинишича, 120 мингдан ортиқ пайғамбарлар шу Одам авлодларидир.

Инсон боласи секин-аста заковати, фаҳму фаросати билан ер юзидаги нозу неъматлардан истифода этиб, ўзига лозим турли туман либослар, уй-жойлар, зебу зийнатлар кашф этди, тўрт оёқли ҳайвонлардан улов сифатида ҳам фойдаланди.Лаззатлик таомлар ва ичимликларни ўйлаб топти. Буюк, кўркам осори атиқалар, обидалар, қаср ва саройлар, йирик шаҳарлар барпо этилди. Мамлакатлар, диёрлар, давлатлар вужудга келди. Турли-туман тиллар пайдо бўлди. Мамлакат орасида ўзаро кўшничилик муносабатлари ўрнатилди.

Алифбо, ёзувлар кашф этилиб, илм-фан соҳасида улкан ютуқларга эришилди. Мўъжизалар пайдо бўла бошлади. Пар машинаси, электр, автомашиналар, радио, телефон, самолётлар, телевизор, компьютерлар ва ҳоказолар ихтиро этилди. Булар одам боласи ақлу заковати билан вужудга келди. Одам боласи космосни забт этди, унинг қадами Ойгача бориб етди.

Одам боласи Ер юзида тинч-омонлик, тотувлик билан фаровон, бой-бадавлат ҳаёт кечириши учун унга ҳамма моддий ва маънавий қулайликлар мавжуд эди.

Афсуски, бундай имкониятдан ҳар доим ҳам тўғри фойдаланмади. Бир Одамдан пайдо бўлган фарзандлар қотилликка қўл урдилар ва турли баҳоналар билан бир-бирининг қонини тўкдилар. Одам боласи қуллик ва қулдорликни ўйлаб топди.

Одам болалари уруш деган мудҳиш, фожиали ва разил иллатни келтириб чиқарди. Подшоҳ, ҳалифа, амир ва бошқа ҳокимларга ўзи яшаб турган мамлакати торлик қилди. У вақтларда мамлакатлар ҳудуди кенг ва етарли бўлсада ҳукмдорларда, ўзга юртларни босиб олиш билан мамлакатини кенгайтириш, у мамлакатлар бойлигини талаш ҳисобига хазинасини бойитиш иштиёқи пайдо бўлди. Баъзи ҳукмдорлар жаҳонга подшо бўлишни орзу қилдилар. Булар бошлаган урушлар туфайли миллионлаб ўз жинсларидан бўлган гуноҳсиз инсонлар, бева-бечоралар, норасида гўдаклар қони тўкилдику! Ҳар икки томондан нобуд бўлган, ҳали уй-рўзғор, бола чақа кўрмаган навқирон аскарлар-чи! Халқ бойлиги ҳисобига бунёд этилган буюк иншоотлар, осори обидалар-чи? Битта Гитлер бошлаган Иккинчи жаҳон урушида 50 миллион халқ қирилди. Лекин, қирғин барот урушларни бошлаган ҳукмдорларнинг бирортаси жаҳонга ҳукмрон бўлиш орзусига етолмади. Ана шу одамзот ер юзида инсон ҳаётни тамоман йўқ қилиб юборишга етарли қирғин қуролларни аллақачон тайёрлаб қўйди-ку!

Айрим ҳукмдорлар зулм ва разолат йўлидан бориб, ўз халқини қатағон қилди, бошига қулфатлар солди, мамлакатини қашшоқлик, қаҳатчилик балоларига гирифтор этди. Бунга мисол большевикларнинг Сталин раҳбарлигида миллионлаб турли миллат вакилларини, халқнинг энг комил раҳнамолари, аллома, саркарда, зиёлиларидан тортиб, оддий фуқароларигача қирғин қилганидир. Ўтмишда бундай адолатсиз подшоҳлар кўп бўлган. Яна бир иллат тажовузкорлик (терроризм)дир. Ҳозир бутун дунёга таҳдид солаётган бу ўта қабиҳ, жирканчли иллатдан минглаб, миллионлаб одамлар азият чекмоқда, унга қарши курашга ер юзидаги барча давлатлар бел боғлаган.

Инсон ҳаёти, феъли атворида дунёга ҳирс қўйиш, кибр, ман-манлик каби салбий иллатлар ҳам ҳукм суриб келмоқда.

Хожа Юсуф Ҳамадоний «Ҳаёт мезони» (Рутбат ул-ҳаёт) китобида:» Бу киши дунё билан умр кечирмоқда, демак дунё билан тирикдир. Бу ҳолат Одам боласининг ҳаёт мартабаси ва манзилидаги энг қадрсиз ва тубан даражадир. Чунки дунё матоси билан хотиржам бўлиб, овунган киши ёввойи ва уй ҳайвонлари, қуш ва балиқлар билан баробар ва улар билан шерикдир» деб ёзган эканлар (Ўзбекча таржимаси, 11-бет).

Одам боласи ўз кушандаси, умр заволи бўлмиш папирос, наша, қора дори, героин каби гиёҳванд моддалар, маст қилувчи ичимлик каби иллатларни ўйлаб топди. Булар туфайли кўплаб навқиронлар ўз ҳаётини хазон қилди, умри қамоқхонларда ўтди, Икки дунёси барбод бўлди. Фоҳишабозлик, каззоблик, фирибгарлик, ўғирлик, қиморбозлик каби жирканчли, қабиҳ гуноҳларни содир қилаётганлар ҳам Бани одам эмасми? Шу қабиҳ ва жирканчли ҳислатлар ҳақида китоблардан ўқиб, эшитиб, кўзи билан кўриб туриб, яна уни содир қилаётган кимсаларни қандай қилиб Одам боласи, инсон дея оламиз?

Ер юзида ёруғлик ва қоронғулик, адолат ва зулм, илм ва жоҳиллик, яхшилик ва ёмонлик, сахийлик ва бахиллик инсоният пайдо бўлганидан буён у билан ёнма-ён яшаб келмоқда. Шайтон эса Одам Ато туфайли жаннатдан қувилгани учун унинг болаларини йўлдан оздириш, гуноҳи кабираларга жалб этиш йўли билан улардан қасос олиш билан овора. Одам боласи ўзи ўйлаб топиб, ўзи содир қилаётган бу жирканчли, разил ва қабиҳ иллатлар Қуръони каримида, пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадиси шарифлари, буюк алломалар, шоиру адиблар китобларида халқ оғзаки ижодида қаттиқ қораланди ва улардан халос бўлиш, қочиш кераклиги қайта-қайта қайтарилди.

Азиз ва карамли юртдошлар, мамлакатимиз истиқболи бўлмиш ёшлар! Президентимиз Ислом Каримов комил инсон, соғлом авлодни тарбиялаш борасида доим ғамхўрлик қилиб келмоқда. Соғлом авлод фақат тану жони соғлом дегани эмас, балки ақл-идроки, фикру-зикри, зеҳну заковати соғлом, комил, фозил, иймонли, эътиқодли, ҳалолу пок деганидир. Аллоҳ таолло бизга забон, кўз, қулоқ ато қилар экан, шулар билан ақл юритиш, оқу қорани ажратиш, яхши, савобли, хайрли ишларни қилиш, она юрт ва унинг халқи учун хизмат қилиб, қайғуриш каби эзгу ва савобли амалларни адо этишни ҳам зиммамизга юклаб қўйган. Қабиҳ, разил ва жирканчли иллатлардан тийилиш, гуноҳ ва жиноятлардан қочишни марҳамат қилган. Мустақил, озод, келажаги буюк ва порлоқ юртимиз шаънига доғ туширмайлик, Одам боласи эканлигимизни унумайлик.

Ҳожи ИСМАТУЛЛОҲ АБДУЛЛОҲ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор.

● Маҳалла ҳаёти суратқашлар нигоҳида

«Обод маҳалла йили» дастури доирасида тез орада НАТОнинг Брюсселдаги қароргоҳида ва Европарламентда ўзбек фотоусталари ижоди намуналари асосида «Ўзбек маҳалласи: одамлар, анъаналар ва удумлар» мавзуида бадиий кўргазма ташкил этилади. Бу тадбирга Бадиий академия ва Тошкент Фото уйида жадал тайёргарлик олиб борилмоқда.

ЕВРОПА ШАҲАРЛАРИ УЧУН ФОТОКЎРГАЗМА

Мазкур кўргазма 5-18 сентябр кунлари Антверпенда Европа комиссиясининг ахборот марказида, 13-23 октябр кунлари НАТОнинг Брюсселдаги қароргоҳида, 1-12 декабр кунлари Европа парламентида намойиш этилади.

Ушбу кўргазмада Рустам Шарипов, Константин Минайченко, Абдуғани Жумаев, Шаҳноза Усмон, Рустам Шагаев, Виктор Вяткин, Турсун Али, Владимир Жирнов каби Ўзбекистоннинг таниқли фотоусталари асарлари намойиш этилади. Бундай нуфузли кўргазма учун бугунги кунда саксонта фотосурат тайёрланди ва жўнатилди. Улар ўзбек халқининг анъана ва удумлари, маҳалла ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Шунингдек, ўзбек ва инглиз тилларида махсус каталог ҳам нашрга тайёрланмоқда. Бу тадбирлар ўтказиладиган кунларда халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъат намуналари кўргазмалари ҳам уюштирилади.

Қайд этиш жоизки, маҳалла фуқаролари ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли сифатида бутун дунёда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Европанинг учта шаҳрида ўтказиладиган мазкур кўргазма нафақат маҳалланинг оддий куни билан кенг танишиш имконини беради, балки ўзбек халқининг тарихи, бугунги ва эртанги куни ҳақида ҳикоя қилади.

Н.УСМОНОВА
(ЎзА) мухбири.

МУҲАННИЖИМЛАР ТАДБИРИ

ҚЎЙ

Сизнинг бу кунлардаги ўзингизни тутишингиз атрофдагилар учун жумбоққа айланади. Сиз эса аксинча, уларнинг барча хатти-харакатини ҳаққоний баҳолашга муяссар бўласиз. Ҳафта моддий-молиявий соҳада сизга омад ваъда этмоқда.

БУЗОҚ

Сешанба, хусусан, чоршанба ва жума кунларида режаларингиз бузилишини истамасангиз ёки раҳбарият, ҳамкасблар билан баҳслашиб қолмай десангиз камтароқ бўлинг. Атрофлагиларнинг иккиюзламачилигига дуч келишингиз эҳтимоли бор. Ҳужжатлар, хабарлар, молиявий муаммоларни ҳал этаётганда эҳтиёткорроқ бўлинг.

ЭГИЗАКЛАР

Эътиборга олиб қўйинг, янги ой чиқишида амалга ошган танишув бошқаларга қараганда, мустаҳкам ва моддий тўкин никоҳни ваъда этади. Ҳафта кунларида сергак яшанг. Бўлмаса, қўпол хатога йўл қўйиб, ўзингизга ташвиш орттирасиз.

ҚИСҚИЧБАҚА

Юлдузлар инора этишича, бу кунларда ким билан мулоқотга киринманг, албатта, бунда уйғунликка эришасиз. Касбий фаолиятда сизни катта муваффақият кутмоқда. Бу, балки катта пул мукофоти бўлиши ҳам мумкин.

АРСЛОН

Яхшилик қилишга интилинг, қарор ва баҳолашларда холис бўлинг, кимнинг омаси юришмайроқ турган бўлса, унга кўмакланинг. Шунда омад қўеши сизни ҳам четлаб ўтмайди.

ПАРИЗОД

Касбий фаолиятда ҳам, оилавий муносабатларда ҳам сизни бу ҳафтада омад ва муваффақият кутмоқда. Зарур ишларни ҳал этиб, учрашувларни келгуси ҳафтага қолдириб туринг.

ТАРОЗУ

Қобилиятни аъло даражада кўрсатишингиз кўп ишларни бажариб олишингизга имкон беради. Устига-устак, бунда катта самараларга эришасиз.

ЧАЁН

Ҳафта кутилмаган тасодиф, жўшқин фаолият ва синов кунларини ваъда этмоқда. Бу даврда кўп куч, чидам талаб этилиб, шунингдек, дўстларнинг кўмагига таянгиш лозим бўлади. Майда оилавий можаролар келиб чиқмасин десангиз, босиқ бўлинг.

ЎҚОТАР

Реклама ва нашриёт соҳасидаги ишларингиз бу ҳафтада муваффақиятли амалга ошади. Шунингдек, шу кунларда оила аъзоларингизга талабчан муносабатда бўлманг. Хабарлар ҳаққонийлигига эътибор қаратинг. Ер ва яшаш жойингиз ўзгариши эҳтимоли бор.

ТОҒ ЭЧКИСИ

Мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг ўлдасини чиқа олсангиз, касбий фаолиятда янги уфқлар очилишига замин яратасиз. Ҳамкорлардан истиқболли лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш таклифи келиб тушиши мумкин.

ҚОВҒА

Агар моддий соҳадаги муаммоларим муваффақиятли ҳал бўлсин десангиз, юллузингиз кўлиб турган фурсатдан фойдаланиб қолинг. Касбий фаолиятда ижобий натижаларга эришасиз.

БАЛИҚ

Жозибадорлик ва ақлий салоҳиятингиз туфайли сиз ўз таъсир доирангизни кенгайтиришга муваффақ бўласиз. Белгиланган фаолиятда кўзга кўринган шахсга айланасиз. Ҳафтанинг дастлабки кунларида вужудга келадиган имкониятлардан фойдаланиб қолинг.

● Орамиздаги одамлар

ГАЛАОСИЁЛИК КИТОБХОН ОИЛА

"Маҳалла" жамғармаси Бухоро тумани бўлинмаси раиси Омон Зарипов бошлиқ оила "Энг китобсевар оила" Республика кўрик-танлови ғолиби бўлди.

·Китобхонлар камайиб кетяпти(ми)?
·Учта кутубхонаси бор оила.
·"Эсимни танибманки китоб йиғаман"

Замон ҳар биримиздан касбимизу ёшимиздан қатъий назар маърифатли бўлмоқни талаб этмоқда. Умуман маърифатли бўлиш учун газета журнал ўқиш ва сўнгги хабарлару янгиликлардан хабардор бўлишнинг ўзи етарлимикан? Вақт танқислиги ҳамма замонларга хосдир. Демак, мутолаа учун вақт етишмаслиги мактаб ёки олий ўқув юртини тарк этганимиздан буён китоб ўқимай қўйганимизга баҳона бўлолмайди. Техника асрида яшаяпмиз, интернет воситасида дунёнинг нариги бурчагида чоп этилган китобни ҳам мутолаа қилиш мумкин. Лекин соатлаб вақтини компьютер қаршисида ўтказаётган ёшларимиз мутолаа билан эмас, турли кўнгилочар ўйинлар билан кўпроқ машғуллар. Руҳшуносларнинг фикрича, инсон онгининг ўсишида мутолаанинг ўрнини бошқа ҳеч машғулот, ҳеч қандай қулай ва тезкор техника ҳам босолмас экан.

Буни қарангки, замондошларимиз орасида китобхонлар камайиб кетмоқда, деган фикр учалик ҳам тўғри эмас экан. Ўзбекистон Маданият вазирлиги томонидан ўтказилган "Энг китобсевар оила" республика миқёсидаги кўрик-танлов юртимизда кўплаб китобхон оилалар борлигини исботлади. Бухоро вилояти Бухоро тумани Галаосиё шаҳридаги Нарзулло Ашуров номли маҳаллада истиқомат қилувчи Зариповлар оиласи ушбу кўрик-танловнинг республика боскичи голиби деб топилди. Оила бошлиғи Омон ака асли ўқитувчи, кўп йиллар инглиз тили фанидан ёшларга сабоқ берган. Ҳозирда Бухоро тумани Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси раиси. Зариповлар хонадонининг бир эмас, учта кутубхонаси бўлиб, улардан биттаси маҳалла аҳли учун хизмат қилади. Омон ака ёшлигидан китобсевар экан. Унинг шахсий кутубхонасида ҳатто Байроннинг 1894 йилда Москва шаҳрида Гербер номли хусусий нашриётда чоп этилган китоби, Чўлпоннинг 1926 йилда араб алифбосида чоп этилган шеърлар тўплами, 1930 йилда лотин алифбосида Тошкентда чоп этилган Марк Твеннинг "Том Сойернинг саргузаштлари" каби нодир китоблар ҳам сақланмоқда экан.

- Эсимни танибманки, китоб йиғаман, - дейди Омон ака. - Мен туғилиб ўсган Кайнов қишлоғида қаерда уч-тўрт киши йиғилса мутолаа бошланарди. Ҳамма хат-саводли бўлмаса-да, ўқимишли кишига китоб ўқиттириб тинглашарди. Уйимизда китоблар сақланадиган махсус тахмон бор эди. Шундай бўлдики, ҳарбий хизматни қурилиш батальонида ўтадим. Одатда унда хизмат қилганлар иш ҳақларини йиғиб маблағ билан қайтардилар. Ҳарбий хизматдан келдим, маҳалламизда Омон энди машина олса керак, деган миш-миш тарқабди. Бир неча кундан сўнг Бухоро шаҳрига бориб ҳарбий хизматда ишлаган пулимга олиб почта орқали жўнатганим - бир нечта тахлам нодир ва оддий китобларни олиб келгандим. Йигирма йил давомида йигирма марта Китобсеварлар сеъздида қатнашдим, таниқли адибларни яқиндан танишга муяссар бўлдим, уларнинг китобларини йиғдим.

2002 йилда, тўққиз йил Галаосиёдаги иқтидорли болалар мактабига раҳбарлик қилиб пенсияга чиқдим. Фарзандларим билан кенгашиб, ҳовлимиз олдига бир дўконча очмоқчи бўлдик. Дўконга мослаб дарвозамиздан кираверишда кўчага қаратиб иморат солдик. Беш фарзандимнинг тўрттаси ўқитувчи, биттаси эса қурувчи, ҳаммаси савдо-сотиқдан йироқ. Менда шу ерда маҳалла аҳли учун кутубхона очиш фикри туғилди. Яқин орадаги кутубхона маҳалламиздан уч чақирим йироқда жойлашган. Фикримни фарзандларим, маҳалла аҳли қўллаб-қувватлашди. Кейинроқ ҳовлига яна бир катта хона қуриб, қироатхона ташкил этдик. Кутубхонани китоб билан тўлдиришда ҳеч қандай муаммо бўлмади. Биздаги китобларнинг айримлари бошқа катта кутубхоналарда ҳам йўқ. Газета, журналларнинг кўп йиллик тахламлари ҳам тўлиғича сақланмоқда.

Омон аканинг шоир ва ёзувчилар, таниқли арбоблар, санъаткорларнинг дасхатини тўплашдек яна бир одати ҳам бор экан. У кишининг махсус ён дафтарчасида дунёга машҳур ижодкорлар — Расул Гамзатов, Чингиз Айтматов, Раж Капур, Али Тўқонбоев, Михаил Светловларнинг дасхатларини кўрдик. Юздан ортиқ ёзувчи-шоирлар, санъат арбоблари, актёрлару рассомлар у кишига дасхат қолдирган экан. Омон аканинг "Дастхатлар сўзлаганда" номли китоби ҳам чоп этилган.

Омон ака Зариповнинг оиласи нафақат маърифатга интилувчи, балки маҳалладошларини ҳам маърифатга етаклагувчи, бошқаларга ўрнак бўлувчи оила сифатида республика миқёсидаги кўрик-танлов голиби бўлишга ҳамда ҳар қандай эътирофга лойиқдир.

Мавлуда ҚОСИМОВА.

Суратда: Омон ЗАРИПОВ (ўнгдан иккинчи) Чингиз АЙТМАТОВ ва бир гурух ижодкорлар даврасида.

Маҳалламиз рақҳосалари

ЭЪЛОНЛАР

Юнусобод тумани ҳокимининг 2002 йил 17 апрелда 526-сон қарори билан Давлат рўйхатига олинган 1018153 сонли тадбиркорлик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани ҳокимияти томонидан Шоназаров Алишер Абдурахимович номига берилган 521722 рақамли якка тартибдаги хусусий тадбиркорлик гувоҳномаси йўқолганлиги сабобли **бекор қилинади.**

Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманидаги 59-ўрта мактаб томонидан 1998 йилда Раҳимов Санжар Очилович номига берилган O'RB 041946 рақамли Шаҳодатнома йўқолганлиги сабобли **бекор қилинади.**

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 2 сирлқи ўрта мактаб томонидан 1985 йилда Байжакова Шоҳида Таировна номига берилган 361900 рақамли Шаҳодатнома йўқолганлиги сабобли **бекор қилинади.**

«Mahalla» нинг Чоршанба чойхонаси

Пойтахтимиздаги Акмал Икромов тумани Акмал Икромов номли маҳалласидаги гузар Латифгузар деб ном олган. Маҳалла оқсоқоли, адиб Ҳайдар Муҳаммад бу гузарда қоғозга туширган ҳангомаларни газетахонларга тақдим этаяпти.

... Латифгузар ҳангомалари

КУЛГИ ФОНОГРАММАСИ...

Бир драматург театрга ўзича "зўр" комедия олиб келди. Театрнинг алабий бўлим бошлиғи асарни ўқиб чиқиб драматургга дебти:

- Биролар, бу комедиянгизга ҳеч ким кулмайди, биронта кулдиган ҳолат, биронта қизиқ сўз йўқ.

Драматург хотиржам дебди:

- Бу ёғидан ташвиш тортманг. Укам овоз ёзиш студиясининг бошлиғи. Бир оғиз айтсам, чиройлиқ, қийқириқли, гулдурос қарсаклари, шарақлаб кулган овозлари билан фонограмма қилиб беради, тамом. Истаган саҳнага қўйса, зал гулдираб кетаверади!

СОЙИБ ХЎЖАЕВ - ФАХРИЙ НАЗОРАТЧИ

Бир куни Сойиб Хўжаев трамвайга чиқиб:

- Ассалому алайкум! Ҳаммайла чиптага олдингларми? - дебти ҳазиллашиб. Қизиқчи артистни ҳамма таниб, юзларига табассум югирибди.

- Ҳа, олдик, - дейишипти.

- Ҳаммангиз ўзингизга чиптага олибсизу, менга ҳам олмабсизлар-да, - дебди қизиқчиликни давом эттириб санъаткор. Йўловчилар жавоб тополмай, бир зум жим бўлиб қолишибди. Шунда кондуктор хотин зукколик қилиб:

- Сойибжон ака! Сиз бизнинг доимий йўловчимизсиз. Шунинг учун кечаги мажлисимизда Сизни трамвайнимизга фахрий назоратчи қилиб тайинладик. Мана ҳужжатингиз, - деб ҳақиқатдан бир ҳужжатни топширди.

Трамвайдагиларнинг ҳаммаси чапак чалиб юбордилар.

ЭЛЕКТРИ ЙЎҚ ПОЙТАХТ...

Бир куни бир одам дўстидан "бош қотирма" ечаётгиб сўради:

- Токио қайси мамлакатнинг пойтахти, биласанми?

- Ия! Токи - электри йўқ пойтахт ҳам бор эканми?!



ЭФИРГА УЗАТИЛАДИГАН ҚИЗЛАР...

Бир куни 5 ёшлардаги бола адасидан сўради:

- Ада, эфирга узатиладиган қизлар қанақа бўлади? Эфир қанақа қуёв? Ёшми, қарими?

- Бу гапни қаердан эшитдинг, - деб сўради боланинг отаси.

- Кеча радиода, кечқурун соат 22 да эфирга узатиладиган қизлар қиссасини тинглайсиз, дедилар...

ИККИ ХИЛ ОҒРИҚ...

Бир драматург театр директорини кўриб қолиб:

- Ҳурматли Раҳбар ака, яқинда янги саҳна асари олиб келиб, бир бошингизни оғритаман, - дебди ярим ҳазил аралаш.

Директор ҳам ҳазиллашиб дебди:

- Драматург ука, Сиз асарни олиб келаверинг, мени ўқиб бошим оғриса, сизнинг қатнайвериб оёғингиз оғрийди!

Ҳайдар МУҲАММАД.

ЭЪЛОНЛАР ЭЪЛОНЛАР

Ҳуқуқшунос Аёллар Жамоатчилик Бирлашмаси
ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жабҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар жабрдийдиларига бепул ҳуқуқий хизмат кўрсатади.Сизга ва яқинларингизга бизнинг ёрдамимиз зарур бўлса, қўнғироқ қилинг:
132-23-65, 135-81-42

Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманидаги 59-ўрта мактаб томонидан 1999 йилда Шпот Алеся Александровна номига берилган O'RB 049973 рақамли Шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Нуриддинходжаева Халима Комиловна номига 1993 йил 28 августда берилган 10-01/20991 рақамли уй-жойга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Утерянный аттестат о девятилетнем образовании U 0399372 выданный 2003 году 120—школой М.Улугбекского района г.Ташкента на имя Тиракьяна Сергея Александровича считать **недействительным.**

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Абдунаби МАННОПОВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Бехбуд ЖУМАЕВ, Таъноберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ

Навбатчи: Аброр БЕРДИЕВ

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар: Қабулхона — 136-53-93. Тел/Факс: — 133-44-25. Масъул котиб: 136-53-75 Хатлар бўлими: 136-57-62.

5198 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-564 Топширилди—